



ТОШКЕНТ

ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 125 (11.686)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қирғизистон жанубида ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан содир этилган хунрезликларни биз, Кембриж шаҳрида, чуқур қайғу ва алам билан кузатдик. Мен шунга аминманки, Сиз биздан кўра кўпроқ ташвишга тушган-сиз ва изтироб чеқансиз.

Бундай мусибатли давларда Ўзбекистон халқи ўзининг метин иродасини намойиш қилди. Сизнинг тезкор ҳаракат қилиш ва шу қадар кўп одамларга зудлик билан зарур ёрдам кўрсатишни таъминлаш борасидаги қарорингиз улкан тарихий воқеа бўлди. Сиз ва Ўзбекистон халқи билан ҳамкорлик бизга катта фахр-ифтихор бағишлайди. Сиз Ўзбекистон минтақада барқарорлик маъни эканини, теранлик, донолик ва вазминлик билан мушоадада юришти яна бир бор намойиш этдингиз. Сиз ўз куч-ғайратингиз ва ресурсларингизни жабрдийдаларга ёрдам кўрсатишни таъминлашга сафарбар қилдингиз. Том маънодаги йўлбошчиликнинг асл маънаси мана шундан иборат. Биз умид қиламизки, Сизнинг бундай фазилингиз бутун дунё мамлакатлари раҳбарларига ўрнак бўлади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Сидхарт САКСЕНА,
Кембриж университети
профессори,
Марказий Осиё бўйича Кембриж
форуми раиси

Хусусий тадбиркорлик ЧЕВАРЛАР МАҲОРАТИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор соҳа равнақида муҳим аҳамият касб этиб, тадбиркорлар сафи ортишида, улар тайёрлаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар сифати юксалишида муҳим ҳисса бўлмоқда.


«Азиза Сайфи қизи» хусусий корхонаси аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатиш борабариде буюртмага кўра корхона ва ташкилотлар ходимлари учун махсус иш кийимлари, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчиларининг формаларини замонавий моделлар асосида тайёрлаб бермоқда. Шунингдек, миллий ва замонавий либосларнинг янги моделларини яратишиб, мижозларга тавсия этишмоқда.

— Мустақиллик ўз бизнесини ташкил этишни эзгу ният қилган тадбиркор ҳамюртларимизга катта имкониятлар яратганини тан олишимиз керак, — дейди корхона раҳбари Азиза Фуломова. — Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан кичик ва хусусий бизнес ривожига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Юртбошимизнинг тадбиркорликка оид бир қатор фармон ва қарорлари ривожланишимизда муҳим омил бўлаётганини, ҳуқуқий ҳимоя таъминлангани, кўплаб имтиёзлар берилётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Президентимиз жорий йилнинг устувор

йўналишларини белгилашда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хусусида алоҳида тўхталиб, нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган бу соҳани жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш ҳозирги шароитда ҳамон муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб ўтдилар. Кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови бу йилдан етти фоизга туширилганини имкониятларимизни янада кенгайтирди. Буларнинг самараси меҳнат қилиб, уларнинг асосий ўлаоқ иқтисодийтизим ривожига, эл-юрт фаровонлигига муҳим ҳисса қўшиб, ёшларимиз учун иш ўринлари ташкил этишда фаоллик кўрсатиш, сифат ва рақобатбардошликка эришиш асосий вазифаларимиз бўлиб қолаверди.

Корхонада бугунги кунда 40 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Устоз-шоғирд аъёнасига эътибор қаратилган бўлиб, тажрибали чеварлар ўз маҳоратини ёшларга эринмай ўргат-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



моқда. Бу борада Жамила Шукурова, Дилбар Алимхамедова, Вазира Темурова, Саодат Содикова, Дилдора Хўжаева, Маъмура Сулаймонжоеваларни ибрат сифатида келтириб ўтиш ўринли.

Корхонада ишчи ходимларнинг меҳнати самарали бўлишини таъминлаш мақсадида кулай шароитлар яратилган. Кейинги йилларда цехлар таъмирланиб, янги тикув жихозлари ўрнатилди. Мижозлар учун кутиш, буюртмаларни ўлчаб кўриш хоналари ташкил этилди. Шунингдек, кийим-кечакларни мижоз талабидан келиб чиққан ҳолда таъмирлаб бериш

хизмати ҳам йўлга қўйилди. Амалга оширилаётган ишларнинг барчаси ишлаб чиқариш ҳажми, хизмат сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Имкониятлардан самарали фойдаланаётган корхона жамоаси келгусида ички бозорни миллий ва замонавий либослар билан таъминлашни, касаначилик ривожига ҳисса қўшиб, кўшимча иш ўринлари яратишни ният қилган. Бугунги савий ҳаракатлар ҳам шу мақсадга яраша олиб борилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Улмасов олган сурат

Ўзбекистон тарихий обидалари, бетақорр маданияти ва аъёналари, гўзал табииоти ва замонавий шаҳарлари билан кўплаб сайёҳларни жалб қилмоқда. Тошкентда сайёҳларнинг кўплиги ҳам шундан далолат беради. ЎЗА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан ўзбекида.

Ален БРИЗАР (Франция):

Тошкентга иккинчи марта келишим. Бу асим шаҳарда мароқли дам олиш учун барча шароит муҳайё эканини алоҳида қайд этишни истардим. Музей ва галереялар эстетик завқ берса, меҳмондўст халқингиз билан муомала киши баҳри-диллини оқади. Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшларининг юксак маданияти, улкан интеллектуал салоҳияти менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон — улкан сайёҳлик салоҳиятига эга мамлакат. Юртингизда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётир. Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканларидаги сервис хизмати талаб даражасида экани билан эътиборли.

Сатиш ЧАНД (Хиндистон):

Ўзбекистон тарихий ёдгорликлари, моҳирона таъмирланган ва нозик дид билан безатилган қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табииоти ва

файзли гўшалари билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром қилаётир.

Юртингизда барча соҳалар жадал тараққий этмоқда. Хусусан, авиация соҳаси юксак ривожланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ДУРДОНА

Илгари Хиндистондан Ўзбекистонга учинчи давлатлар орқали келар эдик. Бу кўп вақт ва маблағ талаб этарди. Ҳозир эса бунинг учун уч соат кифоя, холос.

Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодийдир. Ҳар келганида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб қувонаман.

Стивен БОСВЕЛЛ (Германия):
— Ўзбекистонга илк бор келишим. Ҳайратимни таърифлашга ожизман. Юр-

тингизнинг ҳар бир гўшаси мени ўзига маҳлиё этмоқда. Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги тарихий обидаларни, замонавий иншоотларни кўздан кечирдим. Миллий ва замонавий услубларни уйғун-

лаштирган маҳобатли бинолар, гўзал майдонлару кенг кўчаларни кўриб, ўзбек халқининг мезморлик санъати ва бунёдкорлик салоҳиятига тасаннолар айтдим.

Айниқса, Тошкентнинг кечки қиёфаси кишига ўзгача завқ беради. Ранг-баранг чироқлар, енгил хилпирётган байроқлар шаҳарга байрамона руҳ бағишлайди. Халқингизнинг бой маданиятидан баҳраманд бўлаётганимдан хурсандман.

Агус ТАСРУДИН (Индонезия):

— Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман. Бу ажиб дивёрнинг асрлар мобайнида сайқалланган қадриятлари ниҳоятда эътиборга сазовор. Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу шаҳар-кишлоқларингизнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган қиёфасида, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида яққол кўзга ташланади.

Кўп асрлик тарих, бетақорр маданият ва аъёналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозоридаги ўрнини тобора кенгайтирмоқда. Юртингизда халқаро туризмни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Саёҳатим давомида тарихий обидаларни томоша қилдим, миллий хунармандлик буюмларидан сотиб олдим.

Ўзбекистон жаҳон илм-фани ва ислом маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк олимлари, тарихий обидалари билан дунёга машҳур. Индонезияда ўзбек алломаларининг бой маънавий меросини ўрганишга қизиқиш катти.

Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА
суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА

Пекинда Миллий либослар намойиши бўйича 13-халқаро маданият ва дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

Хитой халқаро маданият ва дўстлик фестивали ҳамда Шанхайда бўлиб ўтаётган «ЭКСПО-2010» Бутунжаҳон ярмаркаси ташкилий қўмитаси томонидан уюштирилган тадбирда хорижий дипломатия ваколатхоналари жамоалари, Далаяна, Ханчжоу, Пекин ва ушбу мамлакатнинг бошқа шаҳарлари бадийий ансамбллари ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё минтақаси айрим давлатларининг делегациялари иштирок этди.

Фестиваль меҳмонлари ранг-баранг миллий либослар, музика асбоблари, қўшиқ ва рақслар мажмуасидан баҳраманд бўлишида ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари халқларининг аъёналари билан танишишди.

Пекиннинг Тил ва маданият университети, Ценьхуа университети, Халқаро бизнес ва иқтисодиёт университети каби нуфузли олий ўқув юрларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг чиқишлари фестивалнинг энг эсда қоладиган воқеалардан бири бўлди.

Улар ўзига хос рақсларни, миллий кийимларни, Ўзбекистоннинг халқ амалий усталари томонидан қўлда тикилган ва ишланган ноёб ўзбек сўзаналари ҳамда идиш-товуқларни намойиш этишди, шунингдек, меҳмонларни ўзбекона чойхўрлик аъёналари билан таништиришди.

Фестиваль якунида ўзбекистонлик иштирокчилар ташкилотчиларнинг махсус совғалари билан тақдирланишди.

«Жаҳон» АА,
Пекин

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент шаҳар прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан назорат қилувчи идоралар раҳбарлари

иштирокида қонунларга амал қилиш устидан назоратни ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Авиасозлар маданият саройида Ҳамза тумани ёшлари иштирокида «Мен — соғлом ҳаётни танлайман» шiori остида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университети спорт мажмуасида ташкил этилган футбол, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақаларида ёш журналистлар беллашди.

ЖАҲОНДА

• Бугун Грецияда февраль ойдан бошлаб бешинчи бор умуммиллий иш ташлаш бўлиб ўтмоқда. Намойишчилар пенсия ислохоти лойиҳаси ва бошқа иқтисодий чора-тадбирларга нисбатан норозилик билдиришмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, пенсия ислохоти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси 8 июлда мамлакат парламентида кўриб чиқилади.

• Исроил гуманитар юклар ортлган кемалар қарвонини Фазо секторига ўтказмаганлиги муносабати билан Туркия Исроил самолётлари учун ўзининг ҳаво йўлларини ёпди.

• Конгода Бельгияга қарамликдан озод бўлиб, мустақилликка эришилганлигининг 50 йиллик байрами кенг нишонланди. Тантаналарда Бельгия қироли Альберт II ҳам иштирок этди.

• АҚШнинг тўртта шаҳрида узоқ вақт амалга оширилган кузатувлардан сўнг ўн киши Россия томонига жосуслиқда гумон билан қўлга олинди. Улар мамлакатда ноқонуний тарзда разведка ишларини амалга оширилганлиқда айбланмоқда.

• Мексикада ўтказиладиган муниципал сайловлардан бир ҳафта олдин губернаторликка номзодлардан бири ўзининг уч нафар ёрдамчиси билан ўлдирилди. Мамлакат президенти Ф.Кальдерон ушбу қабих қотилликнинг нарқомафия томонидан амалга оширилганлигини таъкидламоқда.

• АҚШнинг Алабама университети олимлари Мексика кўрфазидеги нефть доғини тезроқ йўқ қилиш йўлларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ўтказиш учун махсус грантни кўлга қиритдилар.

• Кеча машҳур «Формула-1» автопойгалирининг тўққизинчи босқичи Испаниянинг Валенсия шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Германия ва англиялик пойгачилар ўзаро беллашди.

Иқтисодиёт

**ҲАМКОРЛИК
АЛОҚАЛАРИ
КЕНГАЙМОҚДА**

Аввал хабар берилганидек, «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида Хитой Халқ Республикаси Синьцзянь худудининг етакчи компаниялари маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ХХРнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳузуридаги савдо дирекцияси кўмагида Хитойнинг Халқаро савдога кўмаклашиш кўмитасининг Синьцзянь бўлими томонидан ташкил этилди.



Кўргазмада Хитойнинг мазкур жадал ривожланиб бораётган худудда нефть-кимё, озик-овқат, фармацевтика, тўқимачилик, машинасозлик, ускуна, косметика, гигиена, қурилиш материаллари, ахборот технология соҳаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари билан яқиндан танишиш мумкин. «Лой Жоу», «Сайлинг», «Радуга», «Лиман», «Суан Ци» каби 80 дан зиёд кичик бизнес компаниялари товарлари ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг ривожини узоқ та-

рихга эга, — деди ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь. — Буюк Ипак йўли даврларидан буён халқларимиз ўртасида савдо ва илмий-маданий алоқалар ривожланиб келган. Истиқболли ҳамкорлигимиз ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланиб мустаҳкамланмоқда. 2009 йилда икки томонлама савдо айланмаси 2 миллиард долларни, 2010 йилнинг биринчи чорагида 407,6 миллион долларни ташкил этди. Хитой сармояси иштирокида тузилган 300 тадан ортқ корхона ҳозир

Ўзбекистонда фаолият кўрсатмоқда.

Анъанавий ўтказиб келинаётган кўргазмада бу йили деярли икки баравар кўп компаниялар қатнашмоқда. Хитойлик ишлаб чиқарувчиларнинг айниқса чой, турли хўл мевалари ёрқин идишларда қадоқланиши ҳар қандай нозиктаб кишининг эътиборини ўзига тортади.

Кўргазма давомида икки томон ишбилармонлари кўллаб ўзаро манфаатли шартномалар тузишга эришди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
Козим Ўлмасов олган сурат

Ёзнинг жазирама кунларида чанқоғингизни қондирадиган асосий восита шаффоф сув бўлиб, соғлиғингизга ҳам фойдали бўлса, нур устига аъло нур.

**«SHAFFOF
SERVIS»НИНГ ЗИЛОЛ
СУВИ**

Буюк британиялик ҳамкорлар билан шерикликда ташкил этилган «Shaffof Servis» корхонасида экологик тоза сув илғор технологиялар асосида қайта ишланиб қадоқланади. Бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган мазкур корхонанинг Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида ҳам филиаллари ишлаб турибди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган экологик тоза сув инсон саломатлигини мустаҳкамлашда фойдали бўлиб, кўллаб касалликларга даво ва организмни тозалашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки уни тозалаш ва қадоқлаш учун замонавий технологик линиялар асосида мураккаб жараёнлар амалга оширилади ҳамда сифати доимий назоратда.

Бугунги кунга келиб талаб ва эҳтиёжни ўрганган ҳолда катта ва кичик ҳажмларда қадоқланаётган «Shaffof» савдо белгили сув буюртма асосида жойларга етказиб берилмоқда. Шуниси эътиборлики, буюртмаларни ўз вақтида ва бепул истеъмолчиларга етказиб беришда корхонанинг ўз автомашиналари беминнат хизмат кўрсатяпти.

Шарофат БАҲРОМОВА

**ҲУҚУҚИЙ
САВОДХОНЛИК
ЙЎЛИДА**

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бу борадаги билимини мустаҳкамлаш муҳим вазифадир.

Куни кеча Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар билан ўртоқлашиш мақсадида ўтказилган матбуот анжуманида мавзу доирасида қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, фуқароларнинг саводхонлигини ошириш, айниқса ёшларнинг конституциявий билимини мустаҳкамлаш борасида вазирлик томонидан кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йилда Адлия бошқармаси томонидан 4 мингга яқин шундай тадбирлар ўтказилган. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида икки мингга яқин учрашувлар ташкил этилган бўлиб, аксариятида асосан ёшлар қатнашган. ОАВда адлия тизими фаолияти, хусусан, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш йўналишлари бўйича ёритилаётган материалларнинг сифат ва мазмундорлиги ошиб бормоқда.

Анжуманда ҳамкорликдаги айрим муаммолар ечими бўйича таклиф ва тавсиялар ҳам билдирилди.

Марҳамат ТУРДАЛИЕВА,
ҳуқуқшунос

**ТАРБИЯ —
МУҲИМ МЕЗОН**

Юртимизда фарзандларимиз камолотига катта эътибор қаратилиб, уларга ғамхўрлик қилиш, ўқиши, ҳунар эгаллаши учун барча шароитларни яратиш масалалари давлат сиёсати даражасида ўз ечимини топмоқда.

Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, ёшларнинг ҳаётда қоқилмаслиги, адашмаслиги, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида кўллаб маънавий-маърифий тадбирлар кенг даврани қамраган ҳолда ўтказиб келинмоқда.

Миробод туманидаги «Биродарлик» маҳалласида суд, прокуратура, ички ишлар, «Камолот» ЁИҲ ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Ёшлар — одам савдосига қарши» мавзусидаги учрашув ҳам айнан шу ниятда ташкил этилди.

— Одам савдоси инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ва келажакига таҳдид солаётган трансмилий жиноятлардан бири бўлиб, ҳеч қандай чегара билмаслиги, энг ачинарлиси, ўз гирдобига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётгани бутун дунё аҳлида ташвиш ва хавотир уйғотмоқда, — деди туман суд ижрочилари бўлими мутахассиси Шерзод Хайтов. — Давлатимиз томонидан ҳам ушбу иллатга қарши кураш олиб бориш мақсадида тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар жорий этилди. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти жойларда тушунтириб борилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказувчи ушбу жиноятга қарши барча биргаликда кураш олиб бориши лозим, шундагина кўзланган натижага эришилади.

Тадбир сўнгида иштирокчилар барча саволларига мутахассислардан жавоб олдилар.
Шоира МУҲАМЕДОВА

Коммунал хизмат

**АФЗАЛЛИКЛАРДАН ОҚИЛОНА
ФЙДАЛАНАЙЛИК**

Маълумки, газ энг қулай, юқори калорияли ёқилги тури ҳисобланади. Зангори оловнинг нечоғли қулай эканини уй бекалари жуда яхши билади.

Лекин уй бекаларининг вақтини тежашда кўмакчи, ишларини енгилаштираётган, қатор афзалликларга эга бўлган ана шу бебаҳо ёнилгининг ўзига яраша томонлари ҳам йўқ эмас. Шуни унутмаслик керакки, газдан фойдаланиш қондаларига тўла риоя қилмай, у билан пала-партиш муносабатда бўлинса, кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиб, хонадон соҳибларига кўпроқ ташвиш келтириши мумкин. Чунки газ ёнаётганда, инсон саломатлиги учун хавфли бўлган захарли моддалар ажралиб чиқаради. Шунинг учун газ асбобларидан фойдаланилаётганда, дераза дарчасини очиб, ошхона эшигини ёпиб қўйиш лозим. Шамоллатиш йўллариининг соз бўлишига ҳам доимо жиддий эътибор бериш керак. Ностандарт газ ёндиргичларни, иситиш қозонларини давлат стандартига жавоб берадиган турларига ўз вақтида алмаштириш ҳам газнинг тўлиқ ёниши, захарли газлар ажралиб чиқилишининг камайишига ва газ сарфининг тежаллишига имкон беради.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, шахримизнинг газ ҳисоблагич ўрнатилган хонадонларида газ ҳақини меъёрига нисбатан камроқ тўланилмоқда. Бунда, биринчидан, газни тежамкорлик билан ишлатишга муваффақ бўлинса, иккинчидан, оила бюджетига ёрдам, учинчидан, газ сарфининг камайиб, қиш мавсумида газ босимининг меъёрлинишига имкон яратилади.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, табиий газдан оқилон фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини муддатда тўлаш шахримиз газ қувурлари ва ускуналарини ўз вақтида таъмирлаш ишларини бажаришга имконият яратади. Табиий газ халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Ундан тежамкорлик билан, хавфсизлик қондаларига амал қилган ҳолда фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Расул ТОЛИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги олий бизнес мактаби тингловчиси

«БИТИРУВЧИ — 2010»

Тошкент Ислон университетиде 2009-2010 ўқув йилида бакалаврият ва магистратура босқичларини тугатган ёшларнинг «Битирувчи-2010» тадбири бўлиб ўтди.

Унда ислоншунос олимлар, маънавий тарғиботчилари, университетнинг профессор-ўқитувчилари, ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз томонидан таълим тизимини замон талаблари даражасида юксалтириш, ёшларга энг илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар воситасида билим бериш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани таъкидлаб ўтилди.

Тошкент Ислон университетиде диний ва дунёвий билимларни ўзлаштирган, хорижий тилларни пухта эгаллаган юксак салоҳиятли кадрлар тайёрланади. Бу даргоҳда фаолият кўрсатаётган Ислоншунослик илмий-тадқиқот маркази, Манбалар хазинаси, замо-

навий компьютер ва лингафон хоналари, интернет тармоғи талабалар учун билимни уйғун ҳолда эгаллаш имконини беради.

Жорий йилда мазкур университетни диншунослик, ислоншунослик, ислон ҳуқуқи, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологиялари мутахассислиги бўйича 13 магистр ва 117 бакалавр битирди.

— Биз пухта билим олишимиз учун юртимизда барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилган, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига ислоншунослик йўналиши магистри Ҳ.Абдукаримов. — Ушбу эътибор самараси ўлароқ барча соҳаларда малакали мутахассислар етишиб чиқмоқда.
Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК —
ҚОНУН ҲИМОЯСИДА**

Мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан Фуқаролик кодексига ўзгартириш киритилиб, бир қатор зарур норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айри турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаларини тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар муаллифлик ҳақининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини рағбатлантириш борасида кўрсатилган улкан ғамхўрликнинг амалдаги тасдиғидир.

Интеллектуал мулк соҳаси ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисмига айланиб бормоқда. Шу боис интеллектуал мулк ҳимоясини ривожлантириш, контрафакцияга қарши курашни кучайтириш долзарб вазифалардандир.

Пойтахтимизда «Аудио ва видео маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ижарага бериш ҳамда уларнинг савдоси: муаммо ва ечимлар» мавзусида ташкил этилган семинарда шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда аудио ва видео маҳсулотлар савдоси билан шуғулланаётган тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси мутахассислари мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар юзасидан маълумот берди. Олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамай, бозорларимизда аудио ва видео маҳсулотларни ноқонуний сотиш ҳолатлари учраб турибди. Ушбу маҳсулотлар турли давлатлардан келтирилиб, уй шароитида кўпайтирилиб савдога чиқарилмоқда. Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳри бозорларида аудио ва видео маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи қирққа яқин савдо растасида сотилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизи муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ қонунчилик

талабларига жавоб бермайди.

Бундай қонун бузилиши ҳолатларига қарши курашиш борасида Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Мазкур ташкилотлар вакиллари томонидан ўтган йили бозорлар ва савдо шохобчаларида уч мингга яқин рейд ва текшириш ўтказилди. Натижада 725 минг донага яқин ноқонуний сотилаётган DVD, CD, MP3 дисклари қўлга олинди ва тегишли тартибда йўқ қилинди.

Семинарда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари моҳияти, соҳага оид қонунчиликни бузган ҳолда контрафакт аудио ва видео маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ижарага бериш ва савдоси билан ноқонуний шуғулланишнинг оқибатлари ҳақида тадбиркорларга батафсил маълумот берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Маҳалла — ота-она



Кам таъминланган оилалар, ёш болали оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ёрдам бериш мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий сиёсатнинг асосини ташкил этади. Албатта, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам катта масъулият юклатилган.

Маълумки, кейинги пайтларда кам таъминланганлар учун нафақа тўловлари маҳалла орқали амалга оширилади. Маҳалла фаоллари аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларни ҳолисона кўриб чиқиб, давлат томонидан ажратилаётган маблағларни тўғри тақсимлашга масъулдир.

Собир Рахимов туманидаги «Намуна» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Исмонов ушбу йўналишда олиб бориладиган ишлар хусусида кўридагиларни гапириб берди:

— Маҳалламизда 6500 нафар аҳоли, 1601 оила, 712 хонадон тинчлик-тотувликда, ҳамжихатлик би-

Ибрат

ОҚСОҚОЛ ФИДОЙИ БЎЛСА

лан умргузаронлик қилиб келмоқда. Қачонки одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ёнида турсангиз, тўғри ва ўринли маслаҳатни берсангиз, оилада, маҳаллада, ўз-ўзидан бутун диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-муҳаббат кучаяди, эртанги кунга умидишонч ортади. 2003 йилдан бери маҳаллага бошчилик қилиб келадиган бўлсам, профилактика нозирлари Ф. Тўраев, А. Абдурахмонов, посбонлар

сардори Б. Фуломов, хотин-қизлар комиссияси раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари маслаҳатчиси, кўплаб фаоллар билан олиб борилган яқин ҳамкорлик туфайли турли қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда. 50 дан ортиқ ажрашиш остонасида турган оилалар сақлаб қолинди.

Ёшларни касб-ҳунарга жалб этиш, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун турли тадбирлар ўтка-

зиб келмоқдамиз. Меҳнат ярмаркаларида иштирок этиб, вақтинча ишсиз бўлиб қолган ёки касб-ҳунар коллежларини тугатиб, ўзига муносиб иш топа олмаган фарзандларимизни иш билан таъминлашга эриштираемиз. Кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилалар, тарбияси оғир ўсмирлар ҳамisha эътиборимизда. Кексалар, жисмоний имконияти чекланганларни доимо қўллаб-қувватлашга интилиб келмоқдамиз.

Маҳалламиз гузари

ҳомийлар кўмагида қайтадан таъмирланиб замонавий қиёфага эга бўлди. Ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишлари катта эътибор қаратамиз. 2000 метрдан ортиқ жой асфальтланди. Худудимиз обод ва ораста.

Баркамол авлод йилида ёшларимизга эътибор кучайиб, улар учун янада кенг имкониятлар яратилаёттир. Ишончимизки, фарзандларимиз ота-онаси, аждодларига муносиб бўлиб вояга етишади. Бу борада маҳалла ҳам муносиб ҳиссасини кўшади, албатта.

СУРАТДА: Бахтиёр Исмонов маҳалла фаоллари билан янги иш режаларини ўртоқлашмоқда.

Кексаларни кадрлаш, уларга иззат ва ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос фазилат. Бежизга донишмандлар «Умр фасллари ичида ҳеч бири болалигу кексалик каби эъзоз, эътибор, меҳр-мурувватга муҳтож эмас», дейишмаган. Дарҳақиқат, табарруқ, нуруний ота-оналар бор оилада тинчлик-тотувлик, саранжом-саранжомлик, қут-бароқа ҳукмрон.



Пиру бадавлатларимиз

ҲАЁТ ЙЎЛИ ШАМЧИРОҚЛАРИ

Улар борки, олам чароғон, ҳаёт гўзал, умримиз мазмунли, эртанимиз нурафшон.

Учтепа туманидаги «Мевазор» маҳалласига мана шундай ўй-хаёллар билан кириб келдик. Боиси ушбу маҳаллада 9 нафар фарзандни элу юрт қорига камарбаста этиб вояга етказган, ҳозирда 32 набаира 27 чеварага бош-қош бўлиб, иззату иқромда кексалик гаштини сураётган Муборақ ая Абдуллаева истиколат қилади. Биз уларнинг хонадонларига кириб келганимизда, юз-кўзларидан меҳр, самимийлик, шу билан бирга камтарлик ва хокисорлик ёғилиб турган мунис онахон кутиб олдилар.

— Қизим, нимани ҳам айтиб берай, — дея сўз бошладилар 86 ёшларида ҳам тиниб-тинчмай, чойни ўзлари пиёлаларга қуяётган Муборақхон ая. — Бизнинг ёшлигимиз жуда қийинчилик йилларида ўтган. Ёдимда, нон олиш учун ярим кечаси навбатга чиқардик... Бугунги дорилоним кунларда набираларимга ноннинг ушоғи ҳам нон, кўзингизга суртнинг, увол қилманг, дейман. Катта хонадонга келиб бўлиб тушганман. Турмуш ўртоғим билан 5 та ўғил ва 4 нафар қизни орзу-хаваслар билан вояга етказдик. Болаларимнинг отаси жуда камтар, камсуқум ва меҳнатқаш эдилар. Оила, бола-чакам деб, туну кун ҳаракат қилганлар, хайрли ишлар бошида туриб, кўннинг дуосини олганлар. Болаларга жуда меҳрибон, вақти келганда, қаттиққўл ва жиддий ҳам эдилар... Оиламиз тинч, аҳил.

Таълим-тарбия яхши йўлга қўйилган оилада вояга етган фарзандларнинг барчаси бугун олий маълумотли, бола-чақали, уй-жойли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топган, эл-юрт қорига яраб келмоқда. Ота-она ўғитлари, панд-насихатларига амал қилиб, маҳалладошлар даврасида ҳам обрў-эътиборга, ҳурматга эга.

— Келинларим Наргиза, Нодира, Феруза, Шоҳида ва Жамилалар хонадонимга келишганида, биринчи босқич талабаси бўлишган, ҳам-маларини ўқитдим, набираларимга қараб, ош-овқатни тайёрладим, хуллас, уларга ўқишни тугаллаб олишларига шароит яратишга ҳаракат қилдим. Аҳилликнинг сирини нимада, деб сўрашганда, сабр-тоқат, чидамлилик, бориға қаноат қилишда, дейман, — мийғида кулим-сираб фикрларини давом эттирдилар онахон.

— Унинг каттаси бўлиш осон эмас, бунинг ўзига яраша масъулият бор. Қайнона келинга аввало ўзи пазандаликда, ширин сўз ва одобда ўрнатиб бўлиши керак, бутунлай бошқа

муҳитдан келган «биронинг боласи»ни ўзининг боласи бўлишига имкон яратиш, меҳр бериш керак. Шундагина оила тинч, болалар шодон, ҳаёт бир текис бўлади. Ахир халқимизда «Келинлик Бедил китобдан қийин» деган нақл бежизга айтилган.

— Онахоним бахтимизга узок йиллар соғомон, бағримизни бутун қилиб юрсинлар, — дейди суҳбатга қўшилган иккинчи ўғил Абдумутал Абдуллаев. — Ота-онамизнинг панд-насихатларига қулоқ тутиб, кам бўлмадик. Ҳозирда олимман, техника фанлари номзо-ди, етти нафар фарзанднинг отасиман. Эл орасида, жамоада ўзимизга яраша обрў-эътиборимиз бор. Буларнинг барчаси онахонимизнинг заҳматли меҳнатлари ҳосили, албатта.

— Бувижонимнинг ёнларига ёзги таътил бошланди дегунча, учиб келаман, — дейди еттинчи синфга аъло баҳолар билан ўтган набира Робия Қаҳҳорова. — Улар билан бирга бўлиш жуда ёқимли, бошларидан ўтган барча воқеаларни бирма-бир гапириб берадилар. Мафтун билан бувижонимга қараймиз, ҳамма айтганларини қилиб, уларни хурсанд қиламиз.

— Замонамиздан ўргилай, ҳамма нарса муҳайё, ёшлар учун яратилган шарт-шароитларни айтмайсизми, энг муҳими юртимизда тинчлик-тотувлик, дўсту биродарлик ҳукмрон. Бунинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш керак. Бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади, — секин гапира бошладилар суҳбатдошимиз. — Биз, кексаларни эъзозлаб, гамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимизга раҳматлар айтаман. Тинчлигимиз абадий, юртимиз обод, халқимиз бундан фаъон ҳаёт кечирсин.

Муборақхон ая давлатимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланиб, «Шўхрат» медали соҳиби бўлганлар. Ҳам оилада, ҳам жамоат ишларида фаол бўлган, ақлу одоби ва меҳнатсеварлиги, жонфидолиги билан аёл номини чекисиз ҳурмату эъзозга бурқаб келадиган оналаримиз билан ҳар қанча фахрлансак, мадҳини тараннум этсак, ярашади. «Қобуснома»да шундай бир ҳикमत бор: «Кексаларни қанчалик иззат-ҳурмат этсанг, уларнинг сен ҳақдаги яхши дуолари шунчалик тез ихобат бўлмай».

Ушбу файзли хонадондан кўнглимиз тўлиб, Муборақхон аяга фарзанду набира, эвараю чеваралар роҳатини кўриб юришларини тилаб хайрлашдик.

Ёз-2010

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш мақомини олган маҳалланинг жамият ривожига ўрни кун сайин ортиб бормоқда.

Замонавий, кўркам, ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилган маҳалла гузарларида маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, посбонлар ва профилактика нозирлари ўзаро яқин ҳамкорликда аҳоли тинчлиги ва фаровонлиги йўлида иш олиб бормоқда.

Бутун атрофга гулу райхонларнинг хушбўй ифори таралиб турган Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласи худудида 6 минг аҳоли тинчлик-тотувликда яшаб келмоқда. Маҳаллада ҳомийлар кўмаги билан гузар қайта қурилди, 49-оилавий поликлиника филиали, «Мангулик хиёбони» қайта таъмирланди, 274-мактаб янгитдан қурилди. Бутун ёзги таътил давомида бу ерда соғломлаштириш оромгоҳи фаолият юритади. «Камолот» ЁИХ туман бўлими томонидан оромгоҳда кўнча спорт мусобақалари ўтказилади, каратэ, футбол, шахмат-шашка, бисер тўқиш, тикуччилик каби тўғарақларнинг мунтазам ишлаб туриши таъминланган.

Дарҳақиқат, маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт билан шуғулланишга, касб-ҳунар егаллашига алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, эл ардоғидаги ёзувчи-шоирлар, фан арбоблари, олим ва санъаткорлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Яккасарой туманидаги «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида «Ёз-2010» доирасида мини-футбол, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақалари бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркистон-пресс»

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, халқ таълими туман бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 20 дан ортиқ маҳалла болалари иштирок этди.

Мусобақа ёзги таътил кунларини ёшлар ўртасида мароқли ўтказиш, шунингдек оромгоҳ ва тўғарақларга қамраб олинмаган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт турларини оммалаштириш мақсадида ташкил этилиб, унда 200 нафар ўғил-қиз қатнашди. Мини-футбол бўйича 13-14 ёшлилар ўртасидаги беллашувларда Ражабий номли маҳалла болалари мутлақ голиб бўлди. Иккинчи ўрин «Ракат», учинчи ўрин — «Тўқмачи» маҳалла болаларига насиб этди. 1995-1996 йилда тутилган болалар баҳсида «Қушбеги» БСМ - биринчи, «Ракат» ва «Ўрикзор» маҳалласи кейинги ўринларни эгаллади.


Стол тенниси баҳсида «Қушбеги» БСМ тенгсиз деб топилган бўлса, «Дамарик» ва «Яккасарой-1» маҳалласи ўғил-қизлари 2-3 поғонага кўтарилди.

Қизиқарли ва муросасиз кечган шахмат-шашка мусобақаларида 160-мактаб ўқувчилари нималарга қодир эканлигини намойиш этиб, биринчи ўринни кўлга киритди. 72-ва 48-мактаб жамоалари вакиллари кейинги поғоналарни банд этди.

Кўтаринки руҳда ўтган мусобақа сўнгида голиб ва совриндорлар ҳомийлар томонидан таъсис этилган ёрликлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Саҳифа Шоира МУҲАМЕДОВА томонидан тайёрланди
Ҳакимжон Солиҳов ва Ҳасан Пайдоев олган суратлар

Сўранг, жавоб берамиз



Яқинда отам дунёдан ўтдилар. Улар мол-мулкларини, шу жумладан яшаб турган уйларини менга мерос қилиб қолдирдилар. Бу ҳовлида акаларим яшамайди, аммо меросдан улуш олишга ҳаракат қилишмоқда. Ноқулай вазиятдан қутулиш учун меросдан воз кечмоқчиман. Бунинг тартиби қандай бўлади?

Б.Носиров,
Чилонзор тумани

Меросхўр ўзининг ворисликка чақирилгани билан ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақлидир. Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати махсус назарда тутилган бўлса, меросдан ана шу тарзда воз кечиши мумкин. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас. Меросхўр меросдан воз кечиш учун ўзига берилган муддат ўтганидан сўнг бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёки ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасидан оқ йўқотади.

Лутфихон Аҳмедова,
Муҳайё Алиева,
Мирзо Улуғбек тумани давлат
нотариал идоралари нотариуслари

Кўшним ёлғиз ўзи яшарди. Унинг фарзандлари йўқ бўлиб, аёли кўп йиллар олдин оламдан ўтган эди. Яқинда кўшним ҳам вафот этди. Эгасиз қолган уй энди кимга тегишли бўлади?

З.Ҳафизова,
Бектемир тумани

Агар қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтганидан сўнг суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни кўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин. Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади. Бу орган мол-мулкни кўриқлаш ва бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига асосан амалга оширади.

Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик учун қандай жавобгарлик белгиланади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Т. Ҳасанова,
Миробод тумани

Она-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмура НИЁЗОВА,
Сайёра МАДАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар давлат нотариал
идоралари нотариуслари



ЁШЛАР ГИЁВАНДЛИККА ҚАРШИ

Юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг жисмонан соғлом, бақувват, маънан етук инсон бўлиб вояга етиши йўлида олиб борилаётган сай-ҳаракатлар диққатга сазовордир. Айни дамда ўғил-қизларимиз ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли дам олиб, қизиқарли тадбирлар, қизғин учрашув кечалари, танловларда фаол иштирок этиб, кўнгилли ҳордиқ чиқармоқда.

Юнусобод туманидаги «Зилола» болалар ёзги оромгоҳида ҳам айни кунда болажонлар дўстлар даврасида қувнаб-яйрамоқда. Мазкур оромгоҳ тўрт мавсумга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир мавсумда 260 дан ортиқ ўғил-қиз кўнгилли дам олади. Ушбу маскандаги саккизта гуруҳда дам олаётган болаларга саккиз нафардан тарбиячи ва етакчи бириктирилган. Бу ерда болажонларнинг

яхши дам олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Оромгоҳ қошида ташкил этилган «Ёш қалам-кашлар», баскетбол-волейбол, стол теннис, шахмат-шашка ва футбол тўғрақлари машғулотирага болалар катта қизиқиш билан қатнашапти. Шунингдек, турли мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар, учрашув кечалари ёшларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.



Куни кеча оромгоҳда Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ташаббуси билан «Ёшлар - гиёвандликка қарши» шиори остида тадбир уюштирилиб, болалар ўртасида асфальтга расм чизиш бўйича танлов ўтказилди.

— Гиёвандлик инсон умрининг заволидир, — деди шаҳар наркологи диспансери шифокори Сирожиддин Мухамедов. — Тадбирни ўтказишдан мақсад, ёшларга гиёвандликнинг зарарли оқибатларини тунштириш, уларнинг «оқ ажал» домига кириб қолишининг олдини олиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш узоқ умр гарови эканлигини яна бир бор эслатиб ўтишдан иборат. Фарзандларимизни ватанпарвар, юксак маданиятли, маънан етук бўлиб камолга етказиш барчамизнинг бурчимиз.

Асфальтга расм чизиш бўйича танлов голиблари ташкилотчиларнинг эсдалик соvgалари билан тақдирланди.

Дилором ИКРОМОВА
Козим Ўлмасов олган суратлар

Жаҳон чемпионати-2010

КУЧЛИЛАР — ЧОРАК ФИНАЛДА

Кеча нимчорак финалнинг энг қизиқарли ўйинларидан иккитаси ўтказилди, десак адашмаймиз. Зеро, ҳар иккала учрашувлар иштирокчилари Бразилия ва Голландия терма жамоалари чемпионликка даъвогарлардан эди:

Дастлаб майдонга Голландия ва Словакия жамоалари тушишди. Таяқдлаш жоизки, Словакия термаси жаҳон чемпионатларида илк бор иштирок этаётганига қарамай, кучли жамоалардан чўчимай дадил тўп сурмоқда. Айнан 2006 йилги жаҳон чемпиони — Италия терма жамоаси устидан ажойиб ғалабага эришиб, энг катта шов-шувга сабаб бўлган ва «мовий гвардиячи»ларнинг уйларида жўнашларига сабабчи ҳам Словакия термаси эди.

Кечаги ўйинда ҳам Словакия терма жамоаси майдонда дадил ва қатъий ҳаракат қилди. Бироқ, уларга ҳал қилувчи лаҳзаларда қатъийлик етишмади, холос. Голландияликларнинг эса бой тажрибаси қўл келди.

18-дақиқада Ариан Роббен майдон марказида Уэсли Снейдердан тўпни қабул қилиб, ўнг қанот бўйлаб рақиблар жарима майдонига яқинлашди ва ҳимоячиларни кетма-кет алдаб ўтган ҳолда аниқ зарба билан

тўпни дарвоза бурчагига жойлади — 1:0.

Иккинчи бўлимда словакияликлар ҳисобни тенглаштириш учун катта сай-ҳаракатларни амалга оширишди. Ҳатто улар икки дақиқа ичида икки бор кучли зарба беришга муваффақ бўлдилар. Фақат дарвозабоннинг юксак маҳоратига голландлар дарвозасини яққол голдан сақлаб қолди.

94-дақиқада Дирк Кёйнинг аниқ тўп оширишидан сўнг Уэсли Снейдер қулай вазиятдан туриб дарвозани аниқ нишонга олиб, ҳисобни оширди — 2:0

Словакия термаси сўнгги да-

қиқаларда суръатни яна оширдан бўлса-да, фақат ҳакам томонидан белгиланган қўшимча вақт охирида чемпионат тўп урари Роберт Витек ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди холос — 2:1.

Бразилия — Чили учрашуви ҳам жуда қизиқарли кечди. Икки Жанубий Америка жамоаси албатта бир-бирини яхши билди. Шундай бўлса-да, баҳс мурасиз кечмади. Чилилик футболчиларда хавфли вазиятларда аниқлик етишмади. Бразилия термаси эса ҳимояда мустаҳкам бўлиб, ҳисобни оширди — 2:0

34-дақиқада стандарт вазият-

дан унумли фойдаланган ҳолда Бразилия терма жамоасининг ҳужумкор ҳимоячиси Жуан Боши билан чиройли зарба бериб ҳисобни очди.

Орадан тўрт дақиқа ўтгандан сўнг Какадан тўпни қабул қилиб олган Луис Фабиано бразилияликларнинг устулигини мустаҳкамлади — 2:0. Бу Фабианонинг чемпионатдаги учинчи тўпи эди.

Биринчи бўлим шу ҳисоб билан якунланди.

59-дақиқада бразилияликлар ярим ҳимоячиси Рамирес майдон марказида тўпни қабул қилиб, жарима майдонига етиб борди ва тўпни Рабиньога ошир-

ди. Рабиньо қаторасига уч ҳимоячини алдаб ўтиб дарвозага сўнгги учинчи тўпни киритди ва Бразилия термаси йирик 3:0 ҳисобдаги ғалабага эришди.

Шундай қилиб 1/4 финал учрашувларида Бразилия Голландия билан учрашди, Уругвай Гана билан баҳс юритса, Германия ва Аргентина ўзаро куч синашишди.

Сўнгги жуфтлик эса бугунги ўйинлардан кейин маълум бўлади. Бугун Парагвай-Япония ҳамда Испания-Португалия терма жамоалари чорак финал йўлланмасига эга бўлиш учун беллашади.

Дилшод ИСРОИЛОВ



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

1. ФИБ М.Улуғбек туманлараро судининг 12.02.2010 йилдаги №1-264/10 ижро ҳужжатига асосан, «Ниссан Тида» русумли, д/р 30Т0337 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 25 416 000 сўм.

2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 03.03.2010 йилдаги №ЖСК-1-08/2010 ижро ҳужжатига асосан, «Мерседес-Бенц-Е-200» русумли, д/р 30G8778 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 27 264 418 сўм.

3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.04.2010 йилдаги №ЖСК-1-67/2010 ижро ҳужжатига асосан, «Мерседес-Бенц-S-320» русумли, д/р 30U1342 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 55 628 424 сўм.

4. ЖИБ Яққасарой тумани судининг 09.03.2009 йилдаги №1-127/09 ижро ҳужжатига асосан, «Нексия» русумли, д/р 30L1108 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 871 800 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 04.03.2010 йилдаги №2-036-10 ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, С.Дарбоза кўчаси, 9-уй манзилда жойлашган, «Равсел» хусусий фирмасига тегишли бино кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 111 542 039 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 3 август куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққати! Юқоридаги мол-мулклар 2010 йил 3 августдаги аукцион савдосида сотилмаган

тақдирда, мазкур мол-мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 24 август куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки бирининг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Мазкур мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг «Ипак йўли банки» ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО:01036, ИНН:200933850.

Шунингдек қуйидаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қиламиз: Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшом» газетасининг 18.06.2010 йилдаги 118 (11.679)-сонидан чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, «Матиз» русумли д/р 10Q4505, «Тойота Каролла» русумли д/р 10H8233 ва «Нексия» русумли д/р 30S7577 бўлган автотранспорт воситаларининг аукцион савдолари тўхтатилди. **Савдони тўхтатишга асос:** Юнусобод тумани СИБнинг 21.06.2010 йилдаги №3560/17-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.rkmb.uz.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ бошқарувининг 02.03.2010 йилдаги 15-1637-сонли қарорига асосан «O'zbekiston sanoat-qurilish banki» ОАТБ ҳузуридаги Амалиёт бошқармасига тегишли бўлган Тошкент шаҳар Шахрисабз кўчаси, 3-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

1. «Мерседес-Бенц ML 350» русумли, д/р 01/141 ВАА бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 77 265 459 сўм.

2. «Мерседес-Бенц ML 350» русумли, д/р 01/140 ВАА бўлган, 2008 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 112 129 509 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 30 июл куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 30 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 5 август куни соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: ДВ 001 №000004.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5617 тусула босилади. Қўчоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32